

ON THE ISSUE OF TAXATION OF INCOME OF ADVISORY STRUCTURES AND ADVOCATES

Xasanova Zebiniso Botirovna

Master's student Tashkent state university of law

Abstract:

The article analyzes the issues related to the taxation of advisory boards, advisory firms and advisory boards, as well as the income of advocates, the problems in this field on the basis of national and foreign experience.

Keywords:

Advocacy bureau, advocacy firm, board of attorneys, prize money, honorary, income tax, tax exemption

АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ВА АДВОКАТЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Хасанова Зебинисо Ботировна

Тошкент давлат юридик университети магистратура талабаси

Телефон: +998(97)7813042

Электрон почта: ezobinis@gmail.com

Илмий раҳбар (маслаҳатчи): Тошкент давлат юридик университети “Жиноий одил судлов”
деканати декани, доцент, ю.ф.н. Д.Камалова

Аннотация:

мақолада адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик ҳайъатлари, шунингдек, адвокатлар даромадлариларини солиққа тортиш билан боғлиқ масалалар, бу соҳадаги муаммолар миллий ва хорижий тажриба асосида таҳлил этилади.

Калит сўзлар:

Адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлик ҳайъатлари, мукофот пули, гонорар, даромад солиғи, солиқдан озод қилиш.

К ВОПРОСУ О НАЛОГООБЛОЖЕНИИ ДОХОДОВ КОНСУЛЬТАТИВНЫХ СТРУКТУР И АДВОКАТОВ

Хасанова Зебинисо Ботировна

Студент магистратуры Ташкентского государственного юридического университета.

Аннотация:

В статье анализируются вопросы, связанные с налогообложением консультативных советов, консультативных фирм и консультативных советов, а также доходов адвокатов, проблемы в этой области на основе отечественного и зарубежного опыта.

Ключевые слова:

адвокатское бюро, адвокатская фирма, коллегия адвокатов, денежное вознаграждение, гонорар, ежегодный доход, право на свободу воли.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги давр мобайнида юртимизда том маънода ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилган ислохотларнинг самараси салмоқли бўлмоқда.

Хусусан, фуқаролик жамиятнинг институтларидан бири бўлмиш адвокатура институти ислох қилиш борасида бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Дарҳақиқат, адвокатура институти шахсларнинг кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим ўрин эгаллаганлиги сабабли, фуқаролар ва ташкилотларнинг адвокатура томонидан кўрсатиладиган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддаси билан кафолатланди.

1996 йил 27 декабрда “Адвокатура тўғрисида”ги ҳамда 1998 йил 25 декабрда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилиши адвокатура соҳасининг қонуний кафолати бўлиб саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилинганлиги айблов билан ҳимоянинг тенглигини, тортишувчанлик тамойилини амалда таъминлаш, тергов ва суд ишининг барча босқичида фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришдек долзарб вазифалари эканлиги ҳамда ушбу вазифаларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Адвокатура институти ислох қилиш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, ушбу касбнинг обрўси ва нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бироқ шундай бўлишига қарамай, 12.05.2018 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5441-сонли Фармонида адвокатура ҳанузгача одамлар ишончини қозонган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлана олмади, адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига ҳалал бераётган қатор омиллар мавжудлиги таъкидланган. Ушбу Фармонга асосан адвокатура институти янада такомиллаштириш борасида вазифалар белгилаб берилди.

Энг муҳим ҳужжатлардан бири бу 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли Фармон бўлди. Ушбу Фармонинг 1-илоvasи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси 2.6 бандининг иккинчи хатбошисида адвокатура институти ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва ҳўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш вазифаси қўйилган. Бундан ташқари ушбу Фармоннинг 8-иловада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид ДАВЛАТ ДАСТУРИ” бўлиб, амалга ошириладиган тадбирлар қаторида адвокатура институти янада мустаҳкамлаш мақсадида *адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари даромадларини солиққа тортиш тизимини мақбуллаштириш* вазифасининг топширилиши катта ютуқ бўлди.

Мамлакатимизда адвокатлик фаолияти нотижорат фаолият турларидан бири бўлиб, унинг мақсади даромад олишга қаратилмаган, балки жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Ўзбекистонда бугунги кунда адвокатларнинг солиқ агентлари томонидан адвокатлик тузилмалари тариқасида адвокат мукофот пули (гонорари)нинг қийматидан турлар ва ставкалар бўйича солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланиб келинаётган бўлиб, солиқлар ва мажбурий тўловлардан келиб чиқиб, адвокатнинг мукофот пули (гонорар) учун умумий солиқ юклама адвокатлик тузилмалари томонидан адвокатга тўланадиган мукофот пули (гонорар)нинг миқдоридан 41,1 % дан 56 % гача ташкил қилади[1].

Солиқ солиш бу, ҳаммамизга маълумки, давлат бюджетини тўлдиришнинг усулларида биридир. Биринчи Президентимиз И.Каримов солиқларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ қилиш борасида таъкидлаганидек, “Дастур доирасида амалга оширилган яна бир муҳим тадбиримиз – солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификатсия қилиш бўйича ҳўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир [2, б. 12].

Шу билан биргаликда, Биринчи Президентимиз ўз маърузаларида солиқ тўловчига солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқларни унификатсия қилиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ қонунчилигини барқарорлигини таъминлаш ҳамда ушбу йўналишда илғор мамалакатларнинг ижобий тажрибаларидан фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб ўтганлар [3, б. 10].

2020 йил 1 январгача амалда бўлган Солиқ кодексига жуда кўп ўзгартиришлар киритилганлиги, бозор иқтисодиётига асосланган давлатимизнинг шиддат билан ўсиб бораётганлиги Солиқ қонунчилигини янгилаш лозимлиги масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Шу мақсадда янги солиқ кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, regulation.uz сайтида халқ муҳокамасига қўйилди. Янги лойиҳанинг адвокатурага оид бобида қуйидагича ўзгартириш киритилган эди.

Жумладан, лойиҳанинг 488-моддасида адвокатлар ҳайъатининг нотижорат ташкилот шаклида ташкил этилиши, уни сақлаб туриш ва тадбиркорлик фаолияти бўлмаган умумий вазифаларни бажариш учун адвокатлардан олинадиган маблағлар қисми бўйича адвокатлар ҳайъати юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ва қўшилган қиймат солиғини тўловчи ҳисобланмаслиги, шу билан бирга, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюрolari солиқ солиш мақсадларида тадбиркорлик субъектлари деб эътироф этилиши ҳамда юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган фаолият қисми бўйича солиқлар ва йиғимларни ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда тўлаши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ўзининг расмий сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитасига янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси юзасидан ўз эътирозларини юборди. Унга кўра, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунда эса адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этиладиган адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати нотижорат ташкилотлари этиб белгиланган. Шунингдек, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида ҳам “Адвокатура нотижорат ташкилотдир” деб белгилаб қўйилган. Зеро, адвокатура ўзининг асосий фаолияти давомида даромад (фойда) олишни кўзламайди ва фаолияти давомида йиғилган даромадни (фойдани) ўз аъзолари (иштирокчилари) орасида тақсимламайди. Адвокатлик тузилмалари Конституцияга мувофиқ фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилади. Шунинг учун ҳам Қонун адвокатлик тузилмаларининг, ҳар қандай мақсад йўлида ҳам, мақомига ёки ташкилий тузилишига кўра нотижорат фаолиятдан ташқари фаолият билан шуғулланишини инкор этади.

Шуларга кўра, тақдим этилган Солиқ кодекси лойиҳасининг 488-моддаси таҳрири нафақат Конституциямиз, балки “Адвокатура тўғрисида”ги, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлар нормаларига ҳам зиддир. Шунингдек, у ҳатто тақдим этилган Солиқ кодекси лойиҳасининг 11-моддасида белгиланган талабга ҳам мос келмайди. Зеро, мазкур моддада фуқароларнинг Конституция билан кўриқланадиган ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган солиқларни жорий этиш мумкин эмаслиги белгиланган.

Масаланинг яна бир нозик жиҳати шундаки, солиқ солишда адвокатлик фирмалари ва бюрolarига нисбатан дифференциал муносабатда бўлиниши фуқароларнинг ўз Конституцион ҳуқуқларини амалга оширишида қийинчиликлар яратиши ва адвокатура институтини ривожлантиришда негатив ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Жумладан,

Солиқ кодекси лойиҳасининг 488-моддаси таҳрири давлат ҳисобидан кўрсатиладиган юридик ёрдамни молиялаштиришда маълум муаммоларини келтириб чиқаради. Яъни гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчига давлат ҳисобидан кўрсатилган адвокатлик ёрдами адвокатлик фирмаси ёки адвокатлик бюроси томонидан амалга оширилганида давлат томонидан тўланадиган пул миқдори ҚҚС ва бошқа солиқлар миқдорида ошади ва бу бюджетга қўшимча харажатларни келтиради. Бу ўринда яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, айрим вилоятларда адвокатлар ҳайъати мавжуд эмас ва ҳар қандай юридик ёрдам (жумладан, давлат ҳисобидан молиялаштириладигани ҳам) фақат адвокатлик фирма ёки бюrolари орқали кўрсатилади”[4].

Бу баҳс-мунозалар шу билан тўхтаб қолмади. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисининг 2019 йил 9 сентябрдаги буйруғи билан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг лойиҳаси бўйича адвокатура манфаатларига дахлдор масалалар муҳокамасида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузурида ишчи гуруҳ тузилди ва ишчи гуруҳга янги қабул қилинаётган солиқ кодексида адвокатура оид нормалар бўйича адвокатлар манфаатини кўзлаб таклифлар киритиш вазифаси юкланди [5].

Зеро, адвокатлик тузилмалари, адвокатлар ва улар томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиш шакллари тўғрисида маълумотлар, илмий ишлар талайгина. Бироқ адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг даромадларини солиққа тортишга оид масалада олимларимиз томонидан илмий изланишлар олиб борилмаганлигини аниқладик, фақат россиялик олимлар Россия қонунчилигидан келиб чиқиб адвокатуранинг солиққа тортишда оид фикрларини илмий мақолаларда акс эттирганлар.

Россия Федерациясининг Солиқ кодексининг Махсус қисми 149-моддасида солиқ тўлашдан озод қилинган операциялар (хизматлар) кўрсатилган бўлиб, ушбу модданинг учинчи қисми 4-бандига кўра, адвокатлик коллегиялари, адвокатлик бюrolари, адвокатлик палаталари субъектлари ёки федерал Адвокатлар палатаси томонидан ўз аъзоларига касбий фаолиятларни амалга ошириш муносабати билан кўрсатиладиган хизматларга солиқдан озод этиладилар [6].

Россия Федерацияси солиқ қонунчилигида адвокатлик тузилмаларининг шаклига қараб солиқ турлари белгиланган.

Адвокатлик кабинети ташкил қилган адвокатларнинг ва адвокатлик тузилмалари (адвокатлар ҳайъати, адвокатлик бюrolари, юридик маслаҳатхоналар ва адвокатлик палатаси)нинг солиқ режими бир-биридан фарқ қилади.

Адвокатлик кабинети ташкил қилган адвокатлар бухгалтерия ҳисоботини олиб бормасликка ва бухгалтерия ҳисоботларини топширмаслик-ка ҳақли. Сабаби адвокатлик кабинети юридик шахс ҳисобланмайди. Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркор ҳам эмас.

Адвокатларнинг даромадларини ҳисоблаб чиқаришда, одатда, адвокатлик тузилмасини сақлаш учун килинган харажатлар чегириб олингандан кейин қолган сумма адвокатнинг даромади сифатида қаралади ва солиққа тортилади.

Лекин адвокатнинг даромадларини ҳисоблашда адвокатнинг ўз касбий фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини ҳисоблаб чиқарилиши керак деб ҳисоблайман.

Хўш, булар қандай харажатлар бўлиши мумкин.

Адвокат ўз адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун кўпчилик ижара шартномаси асосида ишлайди. Баъзида бу тўловларни адвокат шахсан нақд пул кўринишида ўз ҳисобидан тўлаб келади. Адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ўз шахсий автомобилидан фойдаланади, автомашинанинг амортизация харажатлари, таъмирлаш, янги автомашиналар олиш, бензин ёки бошқа ёқилғи сотиб олиш, авто мойлар ойлиш, компьютер жиҳозларини таъмирлаш, уларга бўёқлар сотиб олиш, автомашинада ёки такси, автобусда бошқа ҳудудларга қатнаш, йўлда овқатланиш талаб этилади. Лекин бу харажатларнинг ҳаммасини ҳужжат билан тасдиқлаш имконияти йўқ.

Шунингдек, адвокатлар ҳар ойда энг кам иш ҳақининг (базавий ҳисоблаш миқдори) 50% миқдорида Адвокатлар палатасига бадал тўловини тўлайди. Ёки адвокатлик тузилмасида адвокат ёрдамчиси ишга олинганда унинг иш ҳақи ҳам адвокат ҳисобидан тўланади. Бу харажатларни ҳам адвокатга тўланадиган гонарар тўловидан чегирилиб кейин қолган суммадан 12 % фоизли даромад солиғи ҳисоблаб чиқарилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Оддий қилиб айтганда адвокат унга ҳисобланган иш ҳақини асосий қисмини ҳали уйига даромад сифатида олиб бормасдан адвокатуранинг ўзига фаолияти учун зарур ишларга сарфлаб бўлади. Биз адвокатнинг харажатларини чегирмасдан солиққа тортишимиз адолатли ва қонуний бўладими? Бу жиддий масала, бу ҳақда молия ва солиқ органи ва адвокатлик палатаси, ҳисобчилари билан бирга ҳал қилиб, бу масалага оид норматив ҳужжат қабул қилиш ёки Солиқ кодексининг тегишли моддасига қўшимча киритиш зарур бўлади.

Нега бизда “бой” адвокатлик тузилмаси ёки адвокатлар кўзга кўринмаслигининг сабаби ҳам шунда деб ўйлайман. Бу муаммони ҳал қилиш учун Солиқ қонунчилигимизга адвокатлик тузилмаларининг ўзига хослиги ва харажатларини инобатга олган ҳолда тегишли солиқ имтиёзлари бериш, айрим солиқ турларидан озод қилиш орқали ечим топиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://kun.uz/12303572>
2. I.Karimov. Asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirish. Ma’ruza. Soliq va bojxona xabarlari. – 2010. – 1 fevral. – № 5 (809).
3. “Bizning bosh maqsadimiz – jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etishdir”. O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va Senatining qo‘shma majlisidagi ma’ruzasi. Xalq so‘zi. 2005-yil 29 yanvar – №20 (3565)
4. <http://paruz.uz//advokatlargamurojaata>
5. <http://paruz.uz//advokatlargamurojaata>
6. Налоговый кодекс РФ. <https://dogovor-urist.ru/> кодексы/налоговый кодекс/